В правоохранительных органах многих стран начали применяться системы KPI. В частности, хотелось бы изучить опыт внедрения KPI в Уголовно-исполнительной системы, а именно Федеральной службы исполнения наказания (ФСИН) Российской Федерации. ФСИН РФ — это федеральный орган исполнительной власти, подведомственный Министерству юстиции Российской Федерации, осуществляющий функции по контролю и надзору в сфере исполнения уголовных наказаний в отношении осуждённых, подозреваемых, обвиняемых в совершении преступлений[2].

Исследование работы «Организационно-правовые основы производственной деятельности исправительных колоний в целях исправления и трудовой адаптации осужденных» Владимира Викторовича Шлыкова показывает, что в современных условиях необходимо:

а) сформировать единые взгляды, как общества, так и руководства реформирующегося промышленного комплекса Федеральной службы исполнения наказаний (ФСИН России) на задачи уголовно-исполнительной системы, связанные не только с исправлением, но и с трудовой адаптацией осужденных, закрепив это единство соответствующей законодательной, нормативной и ведомственной правовой базой (67% опрошенных);

б) разработать действенные правовые и организационные механизмы функционирования исправительных учреждений (ИУ), направленные на выполнение правоохранительной функции, которая для производственного комплекса ФСИН России заключается в вовлечении осужденных в трудовые процессы (механизм трудовой адаптации) и подготовке их к жизни в обществе (механизм социализации) (74% опрошенных)[3].

Люди наиболее мотивированно действуют тогда, когда полагают, что их действия приведут к достижению желаемой цели. Поэтому суть любой системы мотивирования состоит в том, чтобы увязать цели предприятия и сотрудников таким образом, чтобы достижение личных целей было возможно только через достижение целей предприятия. В этом случае, сотрудники будут понимать, что их работа важна для компании. А важность эта будет проявляться в мотивации, то есть, в большинстве своем, в денежном вознаграждении.

При этом, руководители будут уверены, что каждый работник занимается своим делом и делает это не только для себя, но и на благо предприятия.

Прежде чем продолжить, мы рассмотрим важность своевременного измерения. Крайне важно, чтобы измерение было своевременным. Сегодня KPI, предоставленный руководству более чем несколько дней назад, бесполезен.

Ключевые показатели эффективности готовятся в режиме реального времени, причем даже еженедельные показатели доступны к следующему рабочему дню. Часто сотрудники, работающие в государственных и некоммерческих учреждениях, говорят мне, что у нас нет каких-либо мер, которые нам необходимо часто контролировать[4].

К заключению хотелось бы сказать, что данное научное исследование направлено на изучение, разработку и возможность внедрения системы ключевых показателей эффективности (KPI) для управления персоналом МВД Республики Узбекистан.

В этом плане такие методы мало применялись в правоохранительных структурах и были мало изучены. Высокое эмоциональное и физическое напряжение, утомление, стрессы, жесткий цейтнот негативно влияют на продуктивность работы сотрудников правоохранительных органов. Учитывая в каком аврале живёт сотрудник правоохранительных органов, вопрос развития эффективности государственного управления становится всё более актуальным, если не сказать – жизненно важным.

**Список использованной литературы:**

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистана № 207 от 28 июля 2015 года «О внедрении критериев оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйствующих субъектов с долей государства». https://lex.uz/docs/2712349.

2. Указ Президента Российской Федерации от 13 октября 2004 г. № 1314 Вопросы Федеральной службы исполнения наказаний. Российская газета (19 октября 2004). Дата обращения: 19 июня 2018.

3. Шлыков В.В. «Организационно-правовые основы производственной деятельности исправительных колоний в целях исправления и трудовой адаптации осужденных» диссертация, Саратов 2007г, стр 3.

4. Parmenter David “Key performance indicators: developing, implementing, and using winning KPIs”. Third edition. Wiley, 2015, p 21-22.

# ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИГА МОНЕЪЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

**Ботирхўжа Жўраев**
мустақил тадқиқотчи
Наманган Давлат университети
Телефон: +998939121495
uzleasing@mail.ru

**АННОТАЦИЯ**: Ушбу мақолада ислом молиясининг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини мусулмон иқтисодчилар томонидан ўрганишга доир мулоҳазалар баён этилган. Ислом молияси бозорининг барқарор ривожланиш омиллари ҳақида сўз юритилган ҳамда мамлакатимиз қонунчилигида ислом молиясини жорий этиш йўлидаги айрим монеъликларни бартараф этиш бўйича илмий мулоҳазалар шакллантирилган. Дунёнинг етакчи мамлакатларида қонунчиликка киритилган бу борадаги тузатишлар самарадорлиги тадқиқ этилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР**: Ислом молияси, ислом банклари, такофул, иқтисодий ўсиш, коинтеграцион модель, ислом депозитлари, ялпи миллий маҳсулот, ижара, солиқ юки.

XX асрнинг якунига келиб, ислом молиясининг барқарор ривожланиши молиявий дунёда янги мунозараларни пайдо қилди. Бир нечта тадқиқотлар ислом банкларининг самарали ва барқарор эканлиги[1], активлари сифати юқорилиги[2], харажатлар[3] ва кредит хатарини камайтириш нуқтаи-назаридан самаралироқ эканлигини кўрсатди.

Ислом молияси ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқаси бўйича илмий - иқтисодий адабиётларда бир нечта ёндашувлар мавжуд бўлиб, Чоудхури[4] ва Абдул Мажид ҳамда Қосим[5] лар Малайзиянинг иқтисодий шароитида ислом банкчилиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий ва давомий алоқадорлик борлигини кўриб чиққанлар. Муаллифлар алоқадорлик чегараларини текшириш учун авторегрессив тақсимланган кечикишлар (ARDL - autoregressive distributed lags), хатоларни таҳрирлаш модели (ECM) ва Грейнжернинг сабаб - оқибатларни алоқадорлиги эконометрик тестидан фойдаланишган, натижада улар ислом депозитлари ялпи миллий маҳсулотнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини хулоса қилганлар. Худди улар каби Хачича ва Амар[6] 2000 йилнинг 1 - чораги ва 2011 йилнинг 4 - чораги оралиғидаги давр учун Малайзия иқтисодиётини ўрганиб чиққан. Муаллифлар бунинг учун ислом банк кредитларининг мамлакатда берилган умумий кредитлар, ялпи миллий маҳсулот ва инвестицияларга нисбатини хусусий сектор учун, ислом молия тизими ва ислом молияси орқали жамғарилган капитал учун кўрсаткич сифатида фойдаланган. Улар Йохансcеннинг коинтеграция модели ҳамда хатоларни тузатишнинг вектор моделидан (VECM) фойдаланиб, ислом молиясининг иқтисодий ўсиш билан узоқ муддатли алоқадорлиги қисқа муддатли модель билан солиштирганда, кам аҳамиятли экан деб хулоса қилган. Бундан ташқари Бухатем ва Муса[7] Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида ислом молия тизими узоқ муддатли истиқболда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯММнинг ўсишига олиб келишини аниқлаган. Уларнинг изланишларида ислом молиясининг ўсиши ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги алоқа ўрнатиш учун назарий асос шакллантириб берилган. Хусусан, мазкур ҳудуддаги 13 та мамлакатнинг 2000 - 2014 - йиллардаги йиллик маълумотлардан фойдаланган ҳолда, коинтеграциянинг панелли модели ислом молияси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий алоқадорликка кучсиз муассасавий асос таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди.

Бундан ташқари таклифнинг ўзиб кетиш гипотезаси ARDL модели ёрдамида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари мисолида, 2000 йилдан 2012 йилгача давр учун чораклик маълумотлар бўйича Лебдауи ва Уайлд[8] томонидан ўрганилди. Тадқиқот натижасида ислом молияси ривожланиши узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ривожланишга кучли ва аҳамиятли таъсир этиши аниқланди.

Иккинчи ёндашув талаб ортидан қувиш Робинсон[9] қарамлигига асосланган бўлиб, унда ривожланган иқтисодиёт молиянинг ўсишини рағбатлантириш хусусиятига эга эканлиги айтилган. Кўплаб муаллифлар иқтисодий ўсиш ва молия тармоғи ўртасида сабаб

- оқибат муносабатини ҳужжатлаштирганлар. Фурқоний ва Мавлоний[10] 1997 - йилдан 2005 - йилга қадар бўлган даврда Малайзия молия бозори ва унинг мамлакат иқтисодий ўсиши билан боғлиқликни ўргандилар.Тадқиқотчилар ислом банкчилиги ва ялпи асосий капитал ўртасида икки томонлама, сабаб - оқибат боғлиқлигини аниқлади, лекин узоқ муддатли истиқболда ЯММ ва ислам банкчилиги ўртасида талабга асосланган алоқадорлик аниқланди. Шу билан бирга кўплаб тадқиқотчилар молиявий беқарорлик иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатишини ҳам баён этганлар[11].

Мамлакатимизда ҳам ислом молиявий муассасаларининг ташкил этилиши молиявий тизимни тартибга солиш қонунчилигига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг банклар учун рухсат этилган амалиётлари рўйхатида реал активларни олди-сотди қилиш бўйича савдо амалиётлари ҳамда активларни банк балансида сақлаш амалиётлари мавжуд эмас, бу эса шундай амалиётлар бўлган асосий исломий молиялаштириш воситалари ишлаши учун шароит йўқлигини англатади. Мазкур қонуннинг 32- моддасида[12] банклар томонидан маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида жалб этишни амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Яъни, қонун мижозларга депозит асосий миқдори қайтарилишини кафолотлайди. Ислом банклари омонатчилари – мижозларининг даромади аксинча, банк билан фойда ва зарарни тақсимлаш қоидаси асосида шакллантирилиши керак, бу эса банк зарар кўрган тақдирда, омонат асосий миқдори камаяди. Бундан ташқари банк қонунчилиги, банк амалиётларида жалб этилган маблағларни (депозитлар, кредитлар ва ҳк.) янги ташкил этилаётган корхоналар ҳиссадорлик капиталида ёки янги корхоналарни ташкил этишда иштирок этиш учун фойдаланишга рухсат бермайди[13].

Ислом банклари ташкилий - ҳуқуқий жиҳатига қарамай, мижозларга ҳисоб-касса хизматини кўрсатадилар: улар инвестицияий омонатларни қабул қилади, банк фаолияти якуни бўйича инвестиция ҳисоб варақ эгаларига даромад ҳисоблайди, жорий ҳисоб варақларни очади ва бошқа ислом талабига кўра фаолиятни амалга оширади. Тўлақонли молиявий хизматлар кўрсатиш деганда пул маблағларини ўтказиш, валюта айирбошлаш амалиётлари, пластик карталар билан амалиётлар ўтказиш кабиларни тушунилади.

Кўриб ўтилганидек, ислом молиявий муассасаларининг молия тизимининг бошқа иштирокчилари билан тенг шартларда фаолият юритишга бир қатор тўсиқлар имкон бермаяпти. Бунинг учун турли ҳуқуқий шаклдаги муассасаларни ташкил этиш ва уларни ўзаро боғлаш маълум бир маъмурий, солиқ ва бошқа тўсиқларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, ислом молия муассасасининг воқеликдаги активлар билан амалиёти оддий молиявий муассасаларнинг амалиётларидаги солиқ оқибатларидан фарқ қилади. Амалда молиявий амалиётлардан фарқли равишда, савдо амалиётлари қўшимча қиймат солиғига тортилади. Ислом молияси муассасаси маҳсулотни сотиб олиш ва уни бўлиб тўлаш эвазига мижозга устама билан қайта сотишида ушбу амалиётдан, яъни устамадан ҚҚС солиғига ушланма назарда тутилади. Ушбу амалиёт анъанавий банк томонидан (махсулот сотиб олиш учун мақсадли кредит бериш) амалга ошса, ундан келадиган банк даромади солиққа тортилмайди.

Мазкур амалиётлардан фойда солиғини ундиришда ҳам ислом молия муассасаси ва анъанавий муассаса ўртасида фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Маҳсулотни устама билан бўлиб тўлашга сотиш учун олди-сотди шартномаси имзоланиши билан устаманинг бутун миқдори, ушбу устама молиявий компания томонидан ойлик тўловларга бўлинган бўлиши ва бўлиб тўлаш муддати якунида тўлиқ олинишига қарамай, фойда солиғи учун солиққа тортилувчи базага айланади. Бунинг акси, анъанавий банкда фойда солиғи тўлашда банк тарафидан солиқ тўлаш вақтида амалда 1 йилдан ортиқ муддатда ундирилмаган фоиз тўловлари солиққа тортилувчи базага киритилмайди.

Шу ерда ислом молия муассасаларининг ўзигагина хос бўлган ноёб жиҳатини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Муассаса фаолият жараёнида унинг барча амалиётлари ислом молияси талабларига жавоб бериши учун шариат кенгаши томонидан тасдиқланиши керак. Жаҳондаги айрим мамлакатларда маҳсулотларнинг шариат қоидаларига мувофиқлигини аниқловчи шариат кенгаши тартибга солувчи идоранинг таркибий қисми ҳисобланаади. Шариат назоратини ташкиллаштириш зарурияти ислом молиявий хизматларининг қимматлашувига олиб келади.

Мамлакатимизда ислом молияси тармоғини ошкора, қонуний йўлга қўйиш – барча

ислом молияси амалиётларини бажариш имкониятини берадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларни яратишни тақозо қилади, улар солиқ юки нуқтаи - назаридан мавжуд анъанавий молиявий амалиётларнинг тенг қийматли муқобили бўла олади. Кенг маънода ҳисоб-касса амалиётлари (ҳисоб варақларга хизмат кўрсатиш, пул маблағларини инкассация қилиш, валюта айирбошлаш, пул ўтказмалари ва бошқалар), ислом молиявий воситаларининг барча турлари (қарзга, ижарага ва фойда ҳамда зарарни тақсимлашга асосланган), ислом молияси муассасасиинг фойдасига боғлиқ ҳолда даромадлилик ҳисоблаш имконини берувчи ҳамда омонатнинг асосий миқдори қайтарилишини кафолотланмайдиган инвестициявий омонатларни жалб қилиш амалиётлари, мана шундай ташкилий – ҳуқуқий шакл рухсат этувчи амалиётлар сарасига кириши лозим. Солиқ юки нуқтаи-назаридан муқобиллик, юқорида айтиб ўтилган ислом молиявий воситаларининг турлари бўйича солиқ оқибатлари анъанавий молия воситаларига мувофиқ келишини англатади:

- Қарзга асосланган молиявий восита солиқ нуқтаи-назаридан оддий кредит бериш билан;
- Ижарага асосланган восита – молиявий лизинг амалиётлари билан;
- Фойда ва зарарни тақсимлашга асосланган воситалар – тўғридан-тўғри инвестициялар фондлари ҳамда венчур фондлари амалиётлари билан бир даражада бўлиши лозим.

Ушбу амалиётлар ўтказиш вақтида солиқ юки эквивалентлиги нафақат молиявий муассассаларнинг (ислом ва анъанавий) ўзи учун, балки кўрсатилган молиявий хизмат истеъмолчилари мижозлари учун ҳам таъминланиши керак. Бу эса ҳар икки молия муассасасига жалб этиладиган маблағларнинг қийматини тенглаштириш учун уларнинг омонатчилари ҳам бир хил солиқ шароитларида бўлиши лозимлигини англатади.

2001 йилда Англия банки томонидан мамлакатда тармоқни ривожлантиришга тўсқинликларни ўрганиш мақсадида ташкил этилган Буюк Британияда ислом молияси бўйича Ишчи гуруҳнинг тадқиқотлари якуни бўйича, молиявий қонунчиликка ўзгаришлар[14] киритилди, бу ислом ипотека маҳсулотларини қўшалоқ солиққа тортишдан четланиш имконини берди. Кейинчалик қонунчиликка бошқа ислом молияси воситаларини легаллаштирган тузатишлар ҳам киритилди ва бу билан анъанавий воситаларга берилган солиқ имтиёзлари уларга ҳам яратилди[15]. Бу эса Буюк Британияга ғарб мамлакатлари ўртасида етакчи ислом молия марказларидан бири бўлишга имкон берди. Ҳозирги вақтда мазкур мамлакатда ислом молия активлари ҳажми 19 млрд.доллардан ортиқ бўлган 20 дан ортиқ (улардан 6 таси тўлақонли ислом банклари) банклар фаолият кўрсатмоқда, Лондон фонд биржасида умумий миқдори 35 млрд.доллар қийматидаги 50 та ислом инвестициявий қимматли қоғозларини жойлаштириш амалга оширилди[16].

Ислом молияси ва унинг энг йирик таркибларидан бири ислом банкчилиги ҳар қандай муаммонинг ечими эмас, шу билан биргаликда унинг бир қатор кучли томонлари ва имкониятлари мавжуд:

- Мамлакатимизда ислом банкларининг пайдо бўлиши Яқин Шарқ ва Жанубий - Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо - иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмак беради, мазкур мамлакатларда ҳам ислом банклари фаолият юритади ва улар республикамизнинг ташқи иқтисодий ўзаро ҳамкорликдаги амалиётлари учун қулай ва ишончли восита бўлиш эҳтимоли юқори;
- Ислом банкчилиги пайдо бўлиши билан Ислом Тараққиёт банкидан инвестициялар жалб қилиш кўлами ортади;
- Ислом банклари фойда олиш учун реал иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва саноат соҳаларига маблағ киритади, бу импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш ва диверсификация қилиш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради;
- Ислом банклари мамлакатимиз банк сектори ранг - баранглигини таъминлайди, етарли даражада ривожланса, рақобат муҳитини оширади. Муробаҳа ва ижара каби ислом банки маҳсулотлари товарлар, уй - жой ва автомобиллар сотиб олишда ўзига хос муқобил молиялаштириш усуллари бўла олади. Ислом банклари оддий банклар учун ноодатий бўлган банк ва мижоз ўртасидаги хатарларни, фойда ва зарарларни тақсимлаш тизими орқали фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди;
- 2008 йилдаги молиявий инқирозлар вақтида кўрсатилган барқарорлик туфайли ислом банклари жозибадор бўлиб қолди, бу улар фаолиятининг кам хатарли эканлиги билан

асосланади;

- Ислом банклари диний сабабларга мамлакатнинг иқтисодий фаолиятида иштирок этмаётган аҳолининг маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этишнинг янги воситаси бўлиши мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Baber, Hasnan. 2018. How crisis-proof is Islamic finance? Qualitative Research in Financial Markets 10: 415–26.

2. Hassan, M. Kabir, and Khaled A. Hussein. 2003. Static and dynamic efficiency in the Sudanese banking system. Review of Islamic Economics 14: 5–48.

3. Al-Jarrah, Idries, and Philip Molyneux. 2006. Cost efficiency, scale elasticity and scale economies in arab banking. Banks & Bank Systems 1: 60–89.

4 Chowdhury, Mohammad Ashraful Ferdous, Chowdhury Shahed Akbar, and Mohammad Shoyeb. 2018. Nexus between . risk sharing vs non-risk sharing financing and economic growth of Bangladesh. Managerial Finance 44: 739–58.

5. Abd. Majid, M. Shabri, and Salina H. Kassim. 2015. Assessing the contribution of Islamic finance to economic growth. Journal of Islamic Accounting and Business Research 6: 292–310.

6. Hachicha, Nejib, and Amine Ben Amar. 2015. Does Islamic bank financing contribute to economic growth? The Malaysian case. International Journal of Islamic and Middle Eastern Finance and Management 8: 349–36.

7. Boukhatem, Jamel, and Fatma Ben Moussa. 2018. The effect of Islamic banks on GDP growth: Some evidence from selected MENA countries. Borsa Istanbul Review 18: 231–47.

8. Lebdaoui, Hind, and Joerg Wild. 2016. Islamic banking presence and economic growth in Southeast Asia. International Journal of Islamic and Middle Eastern Finance and Management 9: 551–69.

9. Robinson, Joan. 1952. The Generalization of the General Theory. The Rate of Interest and Other Essays. London: MacMillan

10. Furqani, Hafas, and Ratna Mulyany. 2009. Islamic banking and economic growth: Empirical evidence from Malaysia. Journal of Economic Cooperation & Development 30: 59–74.

11. Cih ˇ ák, Martin, and Klaus Schaeck. 2010. How well do aggregate prudential ratios identify banking system problems? Journal of Financial Stability 6: 130–44.

12. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун 32-моддаси.

13. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун 4-моддаси.

# RAQAMLI IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Allamuratov Perida Maxsetbaevna**
Qoraqalpoq davlat universiteti magistranti
+998973491440

**ANNOTATSIYA:** Maqolada raqamli iqtisodiyotning mazmun mohiyati,raqamli iqtisodiyot ko’rinishlari o’rganilgan va internetga ulangan korxonlar foiz ko’rinishinda tahlil qilingan.

**KALIT SO’ZLAR:** raqamli iqtisod, internet, raqamlashtirish, elektron, raqamli texnologiya.

O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va kelgusi taraqqiyotini ilm-fan, ilmiy, ijtimoiy-gumanitar texnologiyalar, raqamli iqtisodiyot asosida boshqarish tashkil etadi. Bu tizim raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi, axborot sohasida inqilob va iqtisodiyotning globallashuv jarayonlarini tezlashtirish bilan ajralib turadi.

O‘zbekistonda iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining jadal aqamli rivojlanishini ta’minlash, shu jumladan elektron davlat xizmatlarini ko‘rsatish mexanizmlarini yanada takomillashtirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktabrdagi farmoni bilan “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi tasdiqlangan. Strategiya BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari va Elektron hukumatni rivojlantirish reytingida belgilangan ustuvor vazifalardan kelib chiqib, raqamli texnologiyalarni yanada keng joriy etish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi va unda raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishning strategik maqsadlari, ustuvor yo‘nalishlari hamda o‘rta va uzoq muddatli istiqbolli vazifalari belgilangan.

Raqamli iqtisod - xo’jalik yuritishning yangi zamonaviy shakli bo’lib, unda ishlab chiqarish va boshqarishning asosiy faktori sifatida raqamli ko’rinishdagi katta ma’lumotlar majmui va ularni qayta ishlash jarayoni hizmat qiladi. Olingan natijalarni amaliyotda ishlatish esa an’anaviy ho’jalik yuritish shakllriga nisbatan ancha katta samaradorlikka erishishga imkon beradi. Misol sifatida turli xildagi avtomatik ishlab chiqarish jarayonlarini, 3D-texnologiyasini, bulutli texnologiyalarni, masofaviy meditsina xizmatlari ko’rsatishni, aqlli texnologiyalar yordamida maxsulot yetishtirishni va uni yetkasib berishni, turli xildagi tovarlarni saqlash va ularni sotish jarayonlarini keltirish mumkin. [1]

“Raqamlashtirish - bu bizning fikrlash tarzimiz, harakatimiz, atrof-muhit va bir-birimiz bilan aloqa qilishimizning paradigmal o‘zgarishi” Ya'ni,raqamlashtirishni aloqa va o‘zaro munosabat paradigmasining o‘zgarishidir.[2]

Zamonaviy taraqqiyotning keyingi istiqbolida katta hajmli ma‟lumotlar bilan ishlash texnologiyalari (Big Data), sun‟iy intellekt, neyrotexnologiyalar, kvant texnologiyalari, buyumlar interneti, robototexnika va sensorika, raqamli elektron platformalar, bulutli va mobil texnologiyalar, virtual va qo„shimcha reallik texnologiyalari, kraudsorsing, blokcheyn texnologiyalari, kriptovalyutalar va ICO, 3D- texnologiyalari singari raqamli texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda.[3]

Raqamli iqtisodiyot - elektron ko'rinishda mahsulotlar va xizmatlarni ishlab chiqarish va sotish sohasidagi tijoriy faoliyat turidir. Ya'ni qanchalik ushbu soha rivojlantirilsa, o'z navbatida respublikaning iqtisodiyotiga shuncha ta'sir etadi va borgan sayin YaIM ga qo'shgan hissasi ortib boradi. Shunga ko'ra, u quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- Elektron tijorat, elektron bank, elektron hukumat va elektron pullar.
-Onlayn interaktiv xizmatlar;
- Reklama orqali pul ishlab chiqaradigan Web saytlar;
- Internet-media (ovoz yozish, kino, matbuot, nashriyot);
- O'yin-hordiq va biznes dasturlarini yaratish.[4]

Raqamli texnologiyalar asosida ish olib bporish uchun internet tarmog’i bilan korxonalar taminlangan bo’lishi kerak. Quyida O’zbekiston Respublikasi tunamlar kesimida internetga ulangan korxonalar ulushini ko’rib chiqamiz. (1-jadval)

Internetga ulangan korxona va tashkilotlar ulushi [5]

| Hududlar | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **O’zbekiston Respublikasi** | **21,6** | **25,9** | **27,2** | **27,5** | **26,2** | **21,1** | **17,5** |
| Qoraqalpog'iston Respublikasi | 22,2 | 23,9 | 25,0 | 24,9 | 24,7 | 19,7 | 18,9 |
| Andijon | 11,0 | 12,8 | 18,4 | 18,1 | 21,5 | 16,1 | 11,4 |
| Buxoro | 26,1 | 30,7 | 30,0 | 29,7 | 27,5 | 21,7 | 17,4 |
| Jizzax | 19,2 | 23,0 | 20,8 | 19,2 | 19,2 | 15,1 | 10,3 |
| Qashqadaryo | 13,1 | 20,1 | 20,5 | 20,1 | 18,7 | 14,9 | 14,0 |
| Navoiy | 30,7 | 34,1 | 33,0 | 42,5 | 35,3 | 31,9 | 25,3 |
| Namangan | 12,3 | 17,9 | 19,0 | 23,2 | 23,3 | 20,0 | 15,1 |
| Samarqand | 16,2 | 21,7 | 22,3 | 22,3 | 20,8 | 17,9 | 14,3 |
| Surxondaryo | 17,7 | 17,9 | 17,2 | 16,9 | 13,3 | 8,5 | 8,0 |
| Sirdaryo | 17,7 | 19,6 | 20,2 | 19,8 | 19,7 | 19,1 | 14,2 |
| Toshkent | 18,9 | 24,2 | 25,4 | 25,8 | 25,4 | 19,4 | 16,7 |
| Farg'ona | 17,4 | 21,8 | 20,6 | 20,8 | 19,2 | 16,5 | 15,7 |
| Xorazm | 20,5 | 23,8 | 25,5 | 27,2 | 27,4 | 24,9 | 21,6 |
| Toshkent sh. | 37,7 | 42,8 | 44,5 | 43,2 | 39,5 | 30,7 | 25,7 |

O’zbekiston Respublikasi bo’yicha 2019 yili internetga ulangan korxona va tashkilotlar ulushi 26,2 foiz bo'lsa, 2021 yilga kelib 17,5 foizni tashkil qilgan va -8,7 foizga kamaygan. Qoraqalpog’isyon Respublikasi bo’yicha bu ko’rsatkich 2019- yilda 24,7 foizni tashkil qilgan, 2020 –yili 19,7 foiz, 2021 yili bu ko’rsatkich 18,9 foiz bo’lib, 0,8 foizga kamaygan.

Yuqoridan ko’rinib turganidek keying yillarda O’zbekiston Respublikasida internetga ulangan korxonalar ulushi kamayib bormoqda. Raqamlashtirish internet orqali amalga oshirilishi bois, korxonalarning internetga ulanish ko’rsatkichlarin yuqorilashtirish zarur.

Yuqoridagilarni sarhisob qiladigan bo‘lsak, hozirgi kunda "raqamli

Raqamli iqtisodiyot uchta ustun ustiga quriladi:

infrastrukturani qo‘llab-quvvatlash (dastgoxlar, dasturiy ta'minot, telekommunikasiya, tarmoqlar va boshqalar.);

elektron biznes (tashkilotlar tomonidan komp'yuter tarmoqlari orqali olib boradigan jarayonlari);

elektron tijorat (tovarlar onlayn uzatish);

- raqamli infratuzilmani va aloqa standartlarini ishlab chiqish;
- axborot xavfsizligini ta'minlash;
- On-Line xizmatlarni kengaytirish;
- fuqarolar uchun tarmoq ichidagi va On-Line kommunikasiyalarga bepul kirishni yaratish;

iqtisodiyotning barcha tarmoqlarining bosqichma-bosqich o‘zgarib borishi bu jarayonni belgilashga turli yondashuvlarni keltirib chiqarishi zarur.

Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari hali ham rivojlanayotgan sohalardir va biz faqat davlatning iqtisodiyotiga qanday ta'sir qilishini taxmin qilishimiz mumkin. Bugungi kunda biz raqamli iqtisodiyotning hayotimizni turli sohalariga ta'sirining ko‘plab ijobiy natijalarini bilamiz. Shunday qilib, raqamli iqtisodiyot O‘zbekistonning keyingi 10 yildagi iqtisodiy o‘sishining asosi hisoblanadi

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1.R.H. Ayupov. Raqamli iqtisodiyot va elektron tijoratda yangi texnologiyalar. O’quv qo’llanma. Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2020

2. Marey A. Tsifrovizatsiya kak izmenenie paradigmy [Elektronnyy resurs]. Rezhim dostupa: https://www.bcg.com/ru-ru/about/bcg-review/digitalization.aspx

3. Baxrom Xolmurodovich Xaydarov, Sirojiddin Abduvalievich Saitov. RAQAMLI IQTISODIYOT TUSHUNCHASI, AFZALLIKLARI AMALIY AHAMIYATI VA XORIJIY TAJRIBA. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 5 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 DOI: 10.24412/2181-1385-2022-5-151-15

4. Kuvnakov Avaz, To'lqin. RAQAMLI IQTISODIYOTGA O'TISH JARAYONIDAGI MUAMMOLAR VA YECHIMLAR.

5. Internetga%20ulangan%20korxona%20va%20tashkilotlar%20ulushi.pdf

# IQTISODIY BILIM ASOSOLARI FANINI O’QITISHDA ZAMONAVIY TA’LIM TEXNOLOGIYALARI

**Alimov Davronbek To’rayevich**
Xorazm viloyati Yangibozor tumani
7 – maktab IBA fani o’qituvchisi
**Eshimova Zilola Sabirbayevna**
Xorazm viloyati Yangibozor tumani
32 – maktab IBA fani o’qituvchisi

**Annotatsiya**: ushbu maqolada iqtisodiy bilim asosolari fanining o’qitishda zamonaviy ta’lim texnologiyalari, loyihaviy topshiriqlar, rolli (ishchanlik) o’yinlarining ahamiyati haqida yoritilgan.
**Kalit so’zlar**: Loyihaviy topshirilar, rolli o’yinlar, yorib o’tish texnologiyasi.

Globallashuv sharoitida ta‘lim shaxsni har tomonlama voyaga yetkazish, unda komillik va malakali mutaxassisga xos sifatlarni shakllantirishda muhim o‘rin tutadi. Bugungi tezkor davr ta‘lim oluvchilar, shu jumladan o‘quvchilarni ham qisqa muddatda va asosli ma‘lumotlar bilan qurollantirish, ular tomonidan turli fan asoslarini puxta o‘zlashtirilishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishni taqozo etmoqda.

Zamonaviy sharoitda ta‘lim jarayonining barcha imkoniyatlariga ko‘ra shaxsni rivojlantirish, ijtimoiylashtirish va unda mustaqil, tanqidiy, ijodiy fikrlash qobilyatlarini tarbiyalashga yo‘naltirilishi talab qilinmoqda. O‘zida ana shu imkoniyatlarni namoyon eta olgan ta‘lim shaxsga yo‘naltirilgan ta‘lim deb nomlanadi. Yoshlarni tarbiyalashda zamonaviy ta’lim texnologiyalaridan foydalanish darsning samaradorligiga asos bo’ladi. O’quvchilar fanni o’qishga bo’lgan qiziqishi ortib boradi.

Loyihaviy topshiriqlar. Biror o’quv materialini atroflicha va chuqur o’rganish uchun bu yondashuv katta samara beradi. O’rganish, tahlil qilish, baholash, xulosa chiqarish va yakuniy qarorga kelish uchun uzoq muddatli loyihalangan reja zarur. Bu tadbirni o’tkazish uchun bazaviy va boshlang’ich tayanch ma’lumotlar talab qilinadi. O’quv predmetini o’zlashtirishning bosqichlarida davriy ravishda tatbiq qilinadi. Bunday topshiriqlar o’quv ijodkorligini oshiradi, mustaqillik sari yetaklaydi.

Loyihalar mavzuning tavsifini beruvchi kirish qismi, mavzuning muxtasar asosnomasi, faktlar va argumentlarga asoslangan ma’lumotlar yig’indisi hamda xulosa yoki yechimdan iborat bo’ladi.

Rolli o’yinlar (ishchanlik yoki ishbilarmonlik o’yinlari). Bunday o’yinlar muammoli topshiriqlarning bir ko’rinishidir. Sahnalashtirish va obrazli chiqishlar bunday mashg’ulotlarning asosiy belgisidir. Ishbilarmonlik, bilimdonlik, topqirlik, quvnoqlik, hozirjavoblik, ijodkorlik, artistizm, ishchanlik va yaratuvchanlik kabi fazilatlarni namoyish qilishga keng imkon beradi. O’qituvchi har bir o’quvchining salohiyatiga mos vazifa topshirishi juda muhimdir. Birinchi va ikkinchi darajali ishtirokchilar bo’lmasligini ta’minlash ham talab qilinadi. O’quv mashg’uloti hayotdagi aniq vaziyatga ko’proq yaqinlashadi.

Yorib o’tishlar texnologiyasi va V.Erxard maktabi. Bu texnologiya menejerlarni qayta tayyorlash o’qishlaridan iborat bo’lib, uning maqsadi har bir odamda mavjud bo’lgan (lekin kundalik bir xildagi hayot va ish bilan bo’g’ib qo’yilgan) qobiliyatlari va intilishlarini an’anaviy muammolarni yangi muammo sifatida yechish uchun kundalik izlanishlarga aynan uyg’otish hisoblanadi.

Bu kurslar tinglovchining fikrlashi va hulqidagi shaxsiy stereotiplarni bartaraf qilish, o’z imkoniyatlarini va eskirgan muammolarni yangicha yechish yo’llarini ko’ra olishlarini faollashtirish va o’zgartirish bo’yicha ishlab chiqilgan ko’p sonli mashg’ulotlardan iborat.

Bu kurslarning afzal jihatlari-inson omilini ishga solishga qaratilgan bo’lib, maxsus mablag’lar sarflashni talab qilmaydi, erishilgan samara so’nib qolmaydi, ya’ni olingan samara yangi shakl va mazmunda hamda sharoitlarda muntazam kuchayib borishi bilan takror va takror samara olinishini ta’minlaydi. Bu texnologiya alohida yirik yangiliklar yaratishga, hosil bo’lgan favqulodda holatlardan noan’anaviy chiqish yo’llarini izlashga ham qaratilganligi bilan farqlanadi. Bunday yo’nalishdagi 50 dan ortiq kurslar va seminarlar AQSHning yuzga yaqin shaharlarida va dunyoning boshqa mamlakatlarining yuzdan ziyod shaharlarida tashkil etilgan va ular muntazam faoliyat ko’rsatmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Avliyakulov N.X., Musaeva N.N. Modulli o’qitish texnologiyalari. – T.: ―Fan va texnologiyalar‖ nashriyoti, 2007

2. Ganieva M.A., Fayzullaeva D.M. Keys-stadi o’qitishning pedagogik texnologiyalari to’plami / Met.qoll. ―O’rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi tizimida innovatsion texnologiyalar‖ seriyasidan.–T.:TDIU, 2013

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000